UZINVEST.UZ

ЮКОРИ ДАРОМАДЛИ ЛОЙИХЛАРГА ХИМОЯЛАНГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

КЕРАКЛИ БЎЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ МИҚДОРИ:
$569 000

ЙИЛЛИК СОФ ФОЙДА:
$719 000

ИНВЕСТИЦИЯ САРМОЯСИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИГИ:
76%

МУАЛЛИФ САРМОЯСИ:
$570 000

Лойиҳа бўйича қўшимча маълумот олиш учун:
+99898 338 93 33
+99890 925 96 81

info@uzinvest.uz



ЛОЙИХА № 2158
ПРЕМИУМ СЕЙЛОН ЧОЙИ САВДОСИ (ФАОЛИЯТНИ КЕНГАЙТИРИШ)

Лойиханинг махсади: Муаллиф табиий маҳсулотни, юқори сифат стандартларини ва асл келиб чиқишини қадрлайдиган истеъмолчилар сегментига мўлжалланган юқори сифатли Селон премиум чойини сотиш лойиҳасини тақдим этмоқда.

Маҳсулот тўғридан-тўғри Шри-Ланкадан етказиб берилади, бу эса сифат назорати, етказиб бериш барқарорлиги ва рақобатбардош таннархни таъминлайди. Ассортимент қора, яшил ва махсус чойларнинг танланган навларини ўз ичига олиб, ҳам чакана, ҳам улгуржи таклифларни шакллантириш имкониятини беради.

Лойиҳа бир нечта сотув каналлари орқали реализация қилишга йўналтирилган:

- Чакана савдо (офлайн/онлайн);
- Корпоратив мижозлар (HoReCa, офислар, совға тўпламлари);
- Савдо нуқталарига дистрибуция қилиш.

Лойиҳанинг устунликлари:

- Шри-Ланка плантацияларидан тўғридан-тўғри етказиб бериш (сифат ва келиб чиқиш кафолати);
- Премиум ва экологик тоза маҳсулотга ортиб бораётган талаб;
- «Specialty» чой сегментидаги юқори маржадорлик;
- Дистрибуция ва брендиринг орқали кенгайиш имконияти;
- Маҳсулот линиясининг мослашувчанлиги (қадоқлаш, private label, совға ечимлари).

Бозор ва истиқболлар:
Чой бозори барқарор ўсишни намойиш этмоқда, айниқса премиум маҳсулотлар сегментида. Истеъмолчилар тобора оммавий брендлардан келиб чиқиши аниқ бўлган сифатли ва табиий маҳсулотларга ўтмоқдалар.

Муаллиф хом ашё ва операцион харажатлар учун жами $570 000 сармоя киритган.

Лойиха учун керакли инвестиция миқдори: $569 000, шундан:

Номланиши	Сумма, $
Хом аше сотиб олиш ва операцион харажатлар	569 000
Жами	**569 000**

Йиллик даромадлар хакида маълумот

Номланиши	Микдори	Бир дона учун нархи, $	Сумма, $
50 гр қадоқдаги чой сотуви	135 840	1,75	237 720
100 гр қадоқдаги чой сотуви	67 920	2,56	173 875
200 гр қадоқдаги чой сотуви	33 960	5,34	181 346
250 гр қадоқдаги чой сотуви	33 960	7,20	244 512
600 гр қадоқдаги чой сотуви	14 700	30,67	450 408
Жами			**1 288 000**

Йиллик харажатлар хакида маълумот

Номланиши	Сумма, $
Операцион харажатлар (иш ҳақи, солиқлар, ижара тўлови, маркетинг ва ҳоказо)	569 000
Жами	**569 000**

- Йиллик даромад: $1 288 000
- Йиллик харажатлар: $569 000
- **Йиллик соф фойда**: $1 288 000 – $569 000 = **$719 000**

ROI = $\frac{\text{Сой фойда}}{\text{Инвестиция}}$ x Инвестор улуши x 100% = **76%**

Фойданинг тақсимланиши

Киритган сармоя тўлиқ қоплангунигача: Инвестор – **60%** ва лойиҳа Муаллифи – **40%**
Киритган сармоя тўлиқ қоплангач: Инвестор – **30%** ва лойиҳа Муаллифи – **60%**

Муаллиф уч йиллик шартнома таклиф қилмоқда.

Шартнома тугагач, муаллиф инвесторга у киритган маблағларни тўлиқ ҳажмда қайтаради.